4 (608)-сон — 41 — 48-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

48 Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза килишни мувофиклаштириш, назорат килиш ва мониторингини олиб бориш буйича Жамоатчилик кенгаши хамда Илмий-методик кенгаши фаолиятини ташкил этиш туррисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўгрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорига мувофиқ ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги фаолиятини идоралараро мувофиклаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш буйича Жамоатчилик кенгаши турисидаги низом 1-иловага мувофик;

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш буйича Жамоатчилик кенгаши таркиби 2-иловага мувофик;

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Илмий-методик кенгаши тўгрисидаги низом 3-иловага мувофик;

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Илмий-методик кенгаши таркиби 4-иловага мувофик тасдиклансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 20 январь, 11-сон



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорига 1-ИЛОВА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза килишни мувофиклаштириш, назорат килиш ва мониторингини олиб бориш буйича Жамоатчилик кенгаши тугрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

- 1. Мазкур Низом Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза қилишни мувофиклаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш буйича Жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда Жамоатчилик кенгаши деб аталади) фаолияти тартибини белгилайди.
- 2. Жамоатчилик кенгаши фаолияти химояга мухтож болаларни ижтимоий химоялашда идоралараро мувофиклаштириш, назорат килиш ва мониторингини олиб боришни таъминлашга йўналтирилган, Ўзбекистонда болаларни ижтимоий химоя килишнинг самарали механизмларини ишлаб чикиш ва жорий килиш хамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (кейинги ўринларда РБИММ деб аталади) фаолияти билан боглик вазифаларни самарали бажариш учун РБИММ хузурида ташкил этилган маслахат органи хисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланади.

3. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

II. Жамоатчилик кенгашининг мақсади ва вазифалари

- 4. Жамоатчилик кенгашининг асосий мақсади болаларни ижтимоий химоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига (вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларига) кумаклашишдан иборат.
- 5. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари хисобланади:

болаларни ижтимоий химоя қилиш сохасидаги устувор йўналишларни белгилаш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш сохасида давлат сиёсатининг усту-



вор йўналишларини амалга ошириш бўйича химояга мухтож гурух болаларини самарали ижтимоий химоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болаларни самарали ижтимоий ҳимоя ҳилиш меҳанизмини такомиллаштириш буйича таклифлар ишлаб чиҳиш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш буйича таклифлар ишлаб чиқиш;

болаларни ижтимоий ҳимоя ҳилиш тизими муассасалари ва мутахассисларининг амалий фаолияти асосларини ҳамда мезонларини ишлаб чиҳиш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимидаги атамалар ва асосий тушунчаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш сохасидаги қонунчиликка қушимча ва узгартиришлар киритиш буйича таклифлар ишлаб чиқиш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасидан ўтказилишини ташкил этиш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

III. Жамоатчилик кенгашининг хукук ва мажбуриятлари

6. Жамоатчилик кенгаши ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамоатчилик кенгаши зиммасига юкланган вазифаларни бажариш доирасида вазирликлар, идоралар ва хукукни мухофаза килиш органларидан зарур маълумотларни конунчиликда белгиланган тартибда сураш ва олиш;

комплекс дастурларни хамда алохида ишларни ишлаб чикиш учун олимлар ва амалиётчи мутахассисларни, шу жумладан шартнома асосида РБИММ маблаглари ва молиялаштиришнинг бошка манбалари хисобига белгиланган тартибда жалб этиш;

вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан химояга мухтож гурухдаги болаларни ижтимоий химоя килиш масалалари буйича ўтказиладиган йигилишларда, конференциялар ва семинарларда иштирок этиш ва Жамоатчилик кенгаши манфаатларини ифодалаш;

ўз фаолияти йўналишлари бўйича Жамоатчилик кенгаши аъзолари, олимлар, амалиётчи мутахассислар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссияларни, шунингдек фаолиятига рахбарлик килиш Жамоатчилик кенгаши аъзоси зиммасига юкланадиган доимий ва вактинчалик ишчи гурухларни тузиш.

7. Жамоатчилик кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун амалдаги аник натижалар самарадорлиги тахлилини амалга ошириши ҳамда



48-модда — **4**4

болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими фаолиятини (мувофиклаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш йўли билан) умумлаштириши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига куйидагилар бўйича таклифлар киритиши зарур:

химояга мухтож гурухдаги болаларни ижтимоий химоя қилиш механизмини такомиллаштириш;

болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимидаги вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг идоралараро мувофиқлаштирилишини такомиллаштириш;

қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

IV. Жамоатчилик кенгаши ишларини режалаштириш

- 8. Жамоатчилик кенгашининг ишлари болаларни ижтимоий химоя қилишга доир давлат дастурлари хамда йиллик режалар асосида амалга оширилади.
- 9. Йиллик иш режаси белгиланган масалаларни ҳал ҳилишга йўналтирилган чора-тадбирлар рўйхатидан иборат бўлиб, унда бажариш учун масъуллар ҳамда уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 10. Йиллик иш режасига Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан киритиладиган таклифлар Жамоатчилик кенгаши масъул котибига юборилади. Тушган таклифлар ишчи гурухлар мажлисларида мухокама килингандан кейин йиллик иш режаси навбатдаги режалаштириш давридан олдинги ойда Жамоатчилик кенгаши қарори билан тасдиқланади.

V. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш

- 11. Жамоатчилик кенгаши раис, раис ўринбосарлари, масъул котиб ва Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Улар Жамоатчилик кенгаши ишларида жамоатчилик асосида иштирок этадилар. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг номзодлари тегишли вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тавсия қилинади.
 - 12. РБИММ директори Жамоатчилик кенгаши раиси хисобланади.

Жамоатчилик кенгаши раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибини белгилаш ҳамда мажлисларини чақириш;

Жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси юзасидан назоратни ташкил этиш;

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ишларини уларга юкланган вазифаларни бажаришлари буйича мувофиклаштириш;

Жамоатчилик кенгашига рахбарлик ҳамда унинг фаолиятини назорат қилиш; Жамоатчилик кенгашининг самарали фаолиятини таъминлашга доир бошқа ишларни амалга ошириш.

13. Жамоатчилик кенгашининг масъул котиби:

барча зарур хужжатларнинг навбатдаги Жамоатчилик кенгаши мажлисига ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;



Жамоатчилик кенгаши мажлислари кун тартибига қуйилган масалалар буйича утказилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларини ва таклиф қилинганларни мажлис ўтказиладиган сана, вакт ва жой тўгрисида хабардор қилади;

Жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижроси мониторингини олиб боради ҳамда унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

Жамоатчилик кенгаши мажлислари баённомаларини расмийлаштиради ҳамда тасдикланган баённомаларни Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва бошка манфаатдор ташкилотларга юборади;

Жамоатчилик кенгаши иш регламентига мувофик бошка вазифаларни бажаради.

- 14. Жамоатчилик кенгашининг иш тартиби йиллик иш режасига ҳамда РБИММ директори томонидан тасдиқланадиган Жамоатчилик кенгашининг иш регламентига мувофиқ ташкил этилади.
- 15. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўгрисидаги йиллик хисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Маданият, таълим, согликни саклаш ва ижтимоий мухофаза масалалари ахборот-тахлил департаментига такдим этади.
- 16. Жамоатчилик кенгаши мажлислари ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади. Зарур ҳолларда Жамоатчилик кенгашининг навбатдан таш-кари мажлислари ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик кенгаши мажлисини раис бошқаради. Раис булмаган ҳолларда мажлисни Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосарлари олиб борадилар.
- 17. Жамоатчилик кенгаши мажлиси унда аъзоларининг ярмидан купи иштирок этганда ваколатли булади.

Жамоатчилик кенгаши қарорлари Жамоатчилик кенгашининг мажлисда иштирок этаётган аъзоларининг оддий купчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг булган ҳолларда Жамоатчилик кенгаши мажлисида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

18. Жамоатчилик кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун унинг аъзоларидан ишчи гурухлар ташкил этилади. Уларнинг фаолияти ва таркиби Жамоатчилик кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида иштирок этиш, шунингдек ишчи гурух таркибида ишлаш учун вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларидан мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

VI. Жамоатчилик кенгаши томонидан қарорларнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини ташкил этиш

19. Жамоатчилик кенгаши қарорлари Жамоатчилик кенгаши мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлиси баённомаси унинг барча аъзолари томонидан имзоланади, масъул котиб томонидан имзоланиб, Жамоатчилик кенгаши раиси томонидан тасдиқлана-



A TITLICODO P C

48-модда

ди хамда бир хафта муддатда Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.


Жамоатчилик кенгашининг хар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулохазаларини ёзма ифодалаш хукукига эга.

- 20. Жамоатчилик кенгаши раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида, Жамоатчилик кенгашининг алохида масалалар бүйича қарорларини Жамоатчилик кенгаши иштирокчилари билан суровнома утказиш йули орқали тасдиқлаши мумкин.
- 21. Жамоатчилик кенгаши баённомасининг асл нусхаси ва унга илова қилинган материаллар Жамоатчилик кенгаши масъул котибида сақланади.
- 22. Жамоатчилик кенгаши қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.
- 23. Жамоатчилик кенгаши ўзига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан жавоб беради.

Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорига 2-ИЛОВА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг химояга мухтож болаларни ижтимоий мухофаза килишни мувофиклаштириш, назорат килиш ва мониторингини олиб бориш бүйича Жамоатчилик кенгаши **ТАРКИБИ**

Алимова В.С.		РБИММ директори, жамоатчилик кенгаши раиси
Холбеков А.Ж.	_	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари
Ахунова М.А.		«Sen yolgʻiz emassan» Республика болалар жамоатчилик фонди ўкув маркази директори, Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари
Нарбаева Т.К.	_	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
Ахмедов А.А.	—	Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси
Юнусова А.Т.		Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати (келишув асосида)
Абдураҳманов О.Қ.	_	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси
Ризаев Ф.Х.	_	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари
Салимов У.З.	_	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори





4 (608)-сон	— 47 —	48-модда
лавозимига кўра	— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва вазирининг ўринбосари	спорт ишлари
Тўйчиева А.Н.	— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақл ўринбосари	аш вазирининг
Халилов Ф.К.	 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳол муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари 	тини ижтимоий
Муҳамеджанова Ф.Х.	— Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёш ҳаракати марказий кенгаши раисининг ўрин	
Шорахметов Ш.Ш.	 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли моий соҳа ва фанни молиялаштириш Бо бошлиғи 	
Якубова Д.Ш.	— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармасı	нинг Нотариат, и бошлиғи
Халиков И.М.	— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар г бўлимлари фаолиятини ташкил этиш бўлим	профилактикаси
Давлетов Р.К.	 Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳ қонунчилигини демократлаштириш ва либ ҳамда суд тизими мустақиллигини таъм тадқиқот маркази директори вазифасини ба: 	бераллаштириш иинлаш бўйича
Абидова Г.М.	— «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллал миллий директори	ари» уюшмаси
Муродова Ш.О.	— «Ўзбеккино» миллий агентлигининг Илм ҳужжатли фильмлар киностудияси директо	
Бакаева Ф.Х.	— Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқу миллий марказининг инсон ҳуқуқлари бўз тадқиқот бўлими мудири	
Мусурмонова О.М.	— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ун «Педагогика ва психология» кафедраси муд	иверситетининг цири
Бегматов А.С.	— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуз бошқаруви академиясининг «Фуқаролик лари» кафедраси профессори	
Назарова Э.Н.	— РБИММнинг Жисмоний имкониятлари чек муаммоларини ўрганиш бўлими раҳбари	кланган болалар
Хрульнова Г.В.	 РБИММнинг Ота-оналари қаровисиз қолған моларини ўрганиш бўлими раҳбари 	н болалар муам-
Бозоров А.А.	— РБИММнинг Болаларнинг ҳуқуқий муами ниш бўлими раҳбари	моларини ўрга-
Тожиева С.Х.	— РБИММнинг Ижтимоий ишлар бўлими рах	бари
Тоирова М.А.	 РБИММнинг Алохида иқтидорли болалар ўрганиш бўлими рахбари 	муаммоларини
Каримова И.Ш.	— РБИММ Ахборот-консалтинг хизмати рахба	ари
Исроилова Н.А.	— РБИММнинг Ижтимоий ва хукукий жиз гурухларга кирадиган болалар муаммола бўлими рахбари, Жамоатчилик кенгаши м	арини ўрганиш

Изох: жамоатчилик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг



таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорига 3-ИЛОВА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Илмий-методик кенгаши тўгрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар


- 1. Мазкур Низом Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Илмий-методик кенгаши (кейинги ўринларда Илмий-методик кенгаш деб аталади) фаолияти тартибини белгилайди.
- 2. Илмий-методик кенгаш илмий-методик ва ўкув, кўргазмали кўлланмалар, дастурларни мухокама килиш, шунингдек болаларни ижтимоий химоя килиш, уларнинг мослашувини таъминлаш, реабилитациясини амалга ошириш сохасидаги илгор миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришга доир тавсияларни ишлаб чикиш мақсадида тузилган коллегиал маслахат органи хисобланади.

- 3. Илмий-методик кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг (кейинги ўринларда РБИММ деб аталади) Уставига ва ушбу Низомга амал қилади.
- 4. РБИММ масъул ходимлари Илмий-методик кенгаш мажлисларининг юқори савияда ва ушбу Низомга мувофиқ равишда ўтказилиши юзасидан жавоб берадилар.

II. Илмий-методик кенгашнинг вазифалари ва хукуклари

5. Қуйидагилар Илмий-методик кенгашнинг асосий вазифалари хисобланали:

ногирон, жисмоний ва рухий ривожланишида нуқсони бўлган, сурункали оғир касал болалар, шунингдек ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қарамоғисиз қолган болалар, ижтимоий ва хуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб нотинч оилалар фарзандлари, алоҳида иқтидорли





болалар муаммоларига тааллуқли илмий-методик, ўқув ва кўргазмали кўлланмалар, дастурлар ва бошқа адабиётларни мухокама қилиш, ўз тавсияларини манфаатдор вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларига такдим этиш;

замонавий илмий тадқиқотлар ва билимларни миллий ва хорижий тажрибани хисобга олган холда хуқуқни қўллаш, ижтимоий, педагогик, тиббийреабилитация ва профилактика амалиётига татбиқ этиш мақсадида РБИММ ходимларининг, бошқа ташкилотлар мутахассисларининг болаларнинг оила даврасида, таълим олиш соҳасида, соғлиқни сақлашда, меҳнатга ва касбий тайёрлашда, одил судлов соҳаларида ижтимоий мослашув муаммоларини ўрганишга доир фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотлардаги иштирокини таъминлаш;

турли илмий-методик ва ўкув қўлланмаларини кўриб чикиш ва нашр этишга тавсия қилиш, РБИММ мутахассислари томонидан нашр этиладиган маълумотнома материаллар ва кўргазмали кўлланмаларни, семинарлар, тренинглар дастурларини ва бошка материалларни, шунингдек химояга мухтож гурухдаги болаларнинг ижтимоий химояси, мослашуви ва реабилитациясига оид илгор миллий хамда халқаро иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича тавсияларни тасдиклаш;

болаларнинг ижтимоий химояси, мослашуви ва реабилитацияси сохасида янги шакллар, методикалар, технологияларни ишлаб чикиш, синовдан ўтказиш ва жорий этиш йўли билан РБИММ умумий фаолияти самарадорлигини ошириш хамда мутахассислар ишларини такомиллаштириш чоратадбирларини ташкил этиш;

РБИММда ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича хисоботларни ва уларнинг якунларига мувофик хулосаларни тайёрлаш хамда хар йилнинг декабрь ойида такдим этиш;

болаларнинг ижтимоий химояси, мослашуви ва реабилитацияси сохасидаги етук мутахассисларни Илмий-методик кенгаш мажлисларида иштирок этишга, экспертиза ўтказишга, шунингдек РБИММ томонидан нашр этиладиган илмий-методик ва бошқа адабиётларни таҳлил ва таҳрир қилишга жалб этиш;

РБИММ ҳамкорлари (вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар) тажрибасини ўрганиш;

тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш ишларини олиб бориш, шунингдек илмий-методик, ўқув ва кўргазмали қўлланмаларни, методик тавсияларни, семинарлар дастурларини, психологик тренингларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш.

6. Илмий-методик кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мутахассисларнинг муаллифлик фаолияти, болаларни ижтимоий химоя килиш сохасидаги ишларининг холати хакидаги ахборотларни эшитиш, шунингдек болаларни ижтимоий химоя килиш, уларни мослаштириш ва реабилитация килишнинг тегишли масалалари буйича тавсиялар бериш;

болаларнинг ижтимоий химояси сохасидаги нашрлар, материаллар ва



тадқиқот дастурлари буйича иш олиб бориш мақсадида муаллифларнинг ижодий гуруҳларини шакллантириш;

мақсадли аудиториялар, тегишли вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ишлаб чиқилган илмий-методик, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар, методик тавсиялар, семинар дастурлари ва психологик тренинглар такдимотини ўтказиш ва қўллашга тавсия этиш;

Илмий-методик кенгашга юкланган вазифаларни бажариш доирасида зарур ахборотларни вазирликлар, идоралар ва хукукни мухофаза килиш органларидан конун хужжатларида белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

илмий-методик, ўкув ва кўргазмали қўлланмаларни ишлаб чиқиш мақсадида олимлар ва амалиётчи мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан шартнома асосида, РБИММ маблаглари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига жалб этиш.

III. Илмий-методик кенгаш ишларини ташкил этиш тартиби

- 7. Илмий-методик кенгашнинг йиллик иш режаси ҳар йили декабрда ўтказиладиган йиллик умумий мажлисда кўриб чиқилади ва Илмий-методик кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.
- 8. Илмий-методик кенгаш мажлиси ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Зарурат бўлганда режадан ташқари (экстрен) мажлис чақирилади.
- 9. Илмий-методик кенгаш мажлиси унда Илмий-методик кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли хисобланади, унинг қарорлари қатнашаётганларнинг ярмидан ортиғи овози билан қабул қилинади. Мажлис баённомалари илмий котиб томонидан расмийлаштирилади.

IV. Илмий-методик кенгаш мажлисларида мухокамаларни ўтказиш тартиби

- 10. Муаллиф ёки муаллифлар гурухи томонидан тайёрланган нашрлар, материаллар ва тадкикот дастурлари илмий котибга белгиланган тартибда икки нусхада, ариза ва такризлар билан биргаликда топширилади.
- 11. Илмий-методик кенгаш мажлисида қулёзмалар ва дастурлар мухокама қилингандан сунг, муаллиф ёки муаллифлар гурухига аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир амалий тавсиялар берилади.
- 12. Илмий-методик кенгаш мажлислари йиллик иш режасига мувофиқ ўтказилади. Кун тартибидаги масалалар Илмий-методик кенгашнинг илмий котиби томонидан пухта ишлаб чиқилади.
- 13. Илмий котиб аъзолар ва муаллифларни Илмий-методик кенгаш мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва вакт хакида мажлисдан камида бир хафта олдин хабардор килади. Мажлисга мазкур соха мутахассислари хам таклиф этилиши мумкин. Улар (овоз беришда иштирок этмай) кулёзмалар хакидаги ўз фикр-мулохазаларини билдиришлари мумкин.



4 (608)-сон — 51 — 48-модда

- 14. Илмий-методик кенгаш мажлисини раис, у булмаганда раис уринбосари утказади.
- 15. Илмий-методик кенгаш раиси (у бўлмаганда эса раис ўринбосари) йиллик иш режасини ва кун тартибига киритиладиган масалаларни тай-ёрлаш хамда қарорлар ижросини таъминлаш учун масъул хисобланади.
- 16. Илмий-методик кенгаш баённомаси 5 иш куни муддатда кенгаш раиси (у булмаганда эса раис уринбосари) томонидан тасдикланади, Илмий-методик кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ва илмий котиб томонидан расмийлаштиради. Илмий-методик кенгаш баённомасидан кучирмалар илмий котиб томонидан имзоланади ва мухр билан тасдикланади.
- 17. Ёзувларнинг тўгрилиги ва кўчирмаларнинг аслига мослиги бўйича Илмий-методик кенгаш илмий котиби масъул хисобланади.

V. Илмий-методик кенгаш аъзолари

- 18. Илмий-методик кенгаш таркибига республикада ва хорижда ўзининг илмий, методик ва амалий ишлари билан танилган олимлар, амалиётчи мутахассислар (педагоглар, психологлар, хукукшунослар, шифокорлар, ижтимоий соха ходимлари, социологлар) киради. Илмий-методик кенгаш аъзолари жамоатчилик асосида фаолият олиб боради.
 - 19. Илмий-методик кенгаш аъзолари:

жалб этилган мутахассислар билан биргаликда болаларнинг ижтимоий химояси, мослашуви ва реабилитациясига оид ўкув-методик, илмий ва кўргазмали қўлланмаларнинг сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини такдим этадилар;

қулёзмаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этадилар ва улар буйича холисона ва асосланган хулосалар берадилар;

болаларнинг ижтимоий химояси, мослашуви ва реабилитациясига оид илмий ишлар (диссертациялар, монографиялар ва илмий-тадқиқот ишланмалари) буйича хулосаларни тузишда иштирок этадилар;

илгор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида болаларнинг ижтимоий мослашуви билан шуғулланадиган ташкилотларга амалий ёрдам курсатадилар.



— 52 — 4 (608)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорига 4-ИЛОВА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Илмий-методик кенгаши ТАРКИБИ

Алимова В.С.	_	РБИММ директори, Илмий-методик кенгаш раиси
лавозимига кўра	_	РБИММ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Илмий-методик кенгаш раисининг ўринбосари
Гозиев Э. F.		М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Психология» кафедраси профессори, Илмий-методик кенгаш раисининг ўринбосари
Ахмедова Д.И.		Республика Ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори
Муродова Ш.О.	_	«Ўзбеккино» миллий агентлигининг Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси директори
Джамолдинова О.Р.	_	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети проректори
F аниева М.Х.		М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Социология» кафедраси мудири
Мусурмонова О.М.		Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Педагогика ва психология» кафедраси мудири
Исмоилов И.И.		Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Жиноятларнинг олдини олиш» кафедраси бошлиғи
Назарова Д.Н.		А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институтининг «Махсус таълим» кафедраси мудири
Исмоилов Б.И.		Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси профессори
Раҳмонова В.С.		Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Махсус таълим методикаси» кафедраси профессори
Мўминова Л.Р.	_	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Махсус таълим» кафедраси профессори
Карамян М.Х.	_	М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Психология» кафедраси доценти
Назарова Э.Н.	_	РБИММнинг Жисмоний имкониятлари чекланган болалар муаммоларини ўрганиш бўлими рахбари
Хрульнова Г.В.	_	РБИММнинг Ота-оналари қаровисиз қолган болалар муаммоларини ўрганиш бўлими рахбари
Исроилова Н.А.		РБИММнинг Ижтимоий ва хукуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар муаммоларини ўрганиш бўлими раҳбари





4 (608)-сон	— 53 — 48-49-модда	лар
Тожиева С.Х.	 РБИММнинг Ижтимоий ишлар бўлими раҳбари 	
Тоирова М.А.	 РБИММнинг Алоҳида иқтидорли болалар муаммолари ўрганиш бўлими раҳбари 	ІНИ
Каримова И.Ш.	 РБИММнинг Ахборот-консалтинг хизмати раҳбари 	
Тухватулина Э.А.	— «Bola va Zamon» журнали бош муҳаррири	
Бозоров А.А.	— РБИММнинг Болаларнинг ҳуқуқий муаммоларини ўр ниш бўлими раҳбари, Илмий-методик кенгаш илм котиби	

Изох: илмий-методик кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.